

# Мавзу:

**КОРХОНАЛАРДА ВА ТУРЛИ  
ОБЪЕКТЛАРДА ЁНГИН  
ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ,  
ҲУҚУҚИЙ–МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ,  
ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ**

# РЕЖА:

1. Корхоналарда ва турли объектларда ёнғин хавфсизлигини ташкиллаштириш тартиби, ҳуқуқий–меъёрий асослари, ҳужжатлар тизими.
2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда корхона раҳбарларининг, мансабдор ва ваколатли шахсларининг масъулияти.
3. Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

1. “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, унинг мақсади ва вазифаси.
2. Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
3. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
4. Ўт ўчириш-техник комиссиялари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
5. Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги низом, унинг мақсади ва вазифаси.
6. Ёнғин хавфсизлиги бўйича бошқа меъёрий – техник ҳужжатлар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ги ҚОНУНИ

- Қонун Қонунчилик палатаси томонидан **2009 йил 24 июнда** қабул қилинган.
- Қонун Сенат томонидан **2009 йил 28 августда** маъқулланган.
- Қонун **6 боб** ва **40 моддадан** иборат.
- Ушбу Қонуннинг мақсади:  
**ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.**

# Қонуннинг боблари:

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Давлат органлари ва бошқа органларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки. Ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 3-боб. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш
- 4-боб. Ёнғиндан сақлаш хизмати
- 5-боб. Ёнғин назорати
- 6-боб. Яқунловчи қоидалар

- **ёнғиндан сақлаш хизмати** — одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек объектларда, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи;
- **ёнғин хавфсизлиги** — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати;
- **ёнғин хавфсизлиги талаблари** — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга махсус шартлар;
- **ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши** — ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;



## 4-модда. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими

- Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими: ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборатдир.
- Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролардир.

## 7-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;



- ёнғин назоратини ташкил этади;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни мувофиқлаштиради;
- давлат эҳтиёжлари учун ёнғин-техник маҳсулотининг номенклатурасини ишлаб чиқади ва ҳажмларини белгилайди;
- ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш тизимини яратади;
- аҳоли пунктларида, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда, ижтимоий-маданий, саноат объектларида ҳамда бошқа объектларда, ҳудудлар ва коммуникацияларда ёнғинлар ўчирилишини ташкил этади.
- Ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

# Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

## Ташкилотлар:

- ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- тегишли органларга ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;
- белгиланган тартибда ёнғин-техник комиссияларини ташкил этиш;
- ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашга доир ишларни бажариш;
- ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш;
- белгиланган тартибда ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича ахборот олиш, шу жумладан ёнғиндан сақлаш хизматининг бошқарув органлари ва бўлинмаларидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

## Ташкилотлар:

- ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши;
- ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;
- ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши;
- ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши;
- ўзига қарашли ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини, шу жумладан ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга яроқли ҳолда сақлаши, улардан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги;
- ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларига ёнғинларни ўчиришда, шунингдек ёнғин назорати органларига ёнғинларнинг келиб чиқиш ва кучайиш (тарқалиш) сабаблари ҳамда шароитларини аниқлашда, ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишида ва ёнғинлар келиб чиқишида айбдор шахсларни топишда белгиланган тартибда кўмаклашиши;

- ўз ҳудудидаги ёнғинларни ўчириш чоғида зарур кучлар ва воситаларни белгиланган тартибда бериши;
- ёнғиндан сақлаш хизматининг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларнинг ўз ҳудудига, бинолар, иншоотларга ва бошқа объектларга эркин киришини таъминлаши;
- ўзига қарашли объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги, шу жумладан ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ёнғин хавфлилиги ҳақидаги, шунингдек ўз ҳудудида содир бўлган ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ҳужжатларни ёнғин назорати органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра тақдим этиши;
- келиб чиққан ёнғинлар, мавжуд ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари ва воситаларидаги носозликлар тўғрисида, йўллар ва тор кўчаларнинг ҳолати ўзгарганлиги ҳақида ёнғиндан сақлаш хизматига дарҳол хабар қилиши;
- кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг фаолиятига белгиланган тартибда кўмаклашиши шарт.
- Ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.



# Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

- Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг **мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари**, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир.
- Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ва бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.
- Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг **раҳбарлари** ва улар ваколат берган **шахслар** зиммасига юклатилади.
- Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши **раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди**.



# Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

- Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир ҳаракатлардир.
- Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнғинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.
- Моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнғин хавфлилиги кўрсаткичларини, шунингдек улардан фойдаланишда қўлланиладиган ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тегишли техник ҳужжатларда кўрсатиши керак.

- Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан улар лойиҳалаштирилаётганда ёнғинлар чоғида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.
- Аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

# Назорат саволлари

1. Ёнғин нима?
2. Ёнғин хавфсизлиги нима?
3. Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
4. Ёнғин назорати нима?
5. Ёнғинлар профилактикаси нима?
6. Ёнғиндан сақлаш хизмати нима?
7. Ёнғинга қарши режим нима?
8. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими нималардан иборат?
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
10. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли орган қайси орган?
11. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати нима?
12. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?

13. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
14. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки нималардан иборат?
15. Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат?
16. Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
17. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш нималардан иборат?
18. Ёнғинларни ўчириш қанақа ҳаракатлардан иборат?
19. Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?
20. Ёнғиндан сақлаш хизматининг қанақа турлари бор?
21. Идоравий ёнғиндан сақлаш хизматининг вазифалари нималардан иборат?
22. Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматининг вазифалари нималардан иборат?
23. Давлат ёнғин назорати ваколатли органларининг вазифалари нималардан иборат?
24. Идоравий ёнғин назоратининг вазифалари нималардан иборат?